



СУҒОРИЛАДИГАН ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

Мирзаев Закир Абдуллаевич

Тошкент амалий фанлар университети катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14801484>

Аннотация. Жаҳон ер фонди бугунги кунда 13,4 млрд. гектарини ташкил этади. Унинг атиги 1,5 млрд. гектари, яъни 11% қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади. Уларнинг миқдори ва сифати табиий ва антропоген омиллар ва жараёнлар таъсирида йилдан-йилга камайиб бормоқда. Демак, глобал озиқ-овқат муаммосини ечиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун чекланган ер ресурсларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар. Ишлаб чиқариш барқарорлиги, ишлаб чиқариш диверсификацияси, ер фонди, ер ресурслар самарадорлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати, реструктуризация, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда экин майдонларининг сув билан таъминлаш даражаси ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати, замонавий суғориш ва коллектор дренаж тизимларининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. 2019 йилнинг январь ойидаги ҳолат бўйича мамлакат бўйича 20,2 млн.гектар қишлоқ хўжалиги ерларидан 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш кўпинча уларнинг суғориш имкониятларига боғлиқ. Прогнозга кўра агар кечикиб бўлмайдиган қарорлар қабул қилинмаса, кейинги 30 йил ичида суғориладиган ерлар майдони 20-25% га қисқаради. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ерларининг катта қисми паст рентабелли, намликни севадиган пахта ва буғдой етиштиришда фойдаланилмоқда. Ем-хашак етиштиришда унумдор ва суғориладиган ерларнинг чекланганлиги чорвачилик секторининг кенгайиши ва мева сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга тўсқинлик қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги 45% га яқин ерлар шўрланган, шундан 19%и юқори даражада шўрланган. Ўзбекистон Республикасида ерлар давлат мулки ҳисобланади. “Ердан фойдаланиш ҳуқуқи” узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилади.

Мустақилликка эга бўлган кундан бошлаб фермерчилик хўжаликларини реструктуризация қилиш ва ер участкаларини қайта тақсимлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Умумий ҳисобда 2019 йили жами экин майдонининг 67 % и уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Тадбиркорликнинг мустақил субъекти сифатида фермер хўжаликларига 50 йил муддатга ерлар ижарага берилади. Давлат буюртмаси асосида сотиб олинadиган пахта маҳсулотларининг ҳаммаси ва буғдойнинг катта қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек фермерларга бошқа экинлар экишга ҳам рухсат берилади.[1]

Бундай ёндошув мева ва сабзавот ва бошқа экинларни турини кенгайтиришга имкон бери. Ҳозирги вақтда республикада фермер хўжаликлари сони 77,5 мингдан ортиқ бўлиб умумий экин майдонининг 90% га яқинини ташкил этади. Шунингдек мамлакатда деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Деҳқон хўжаликлари етиштирадиган экин турларини, чорвачилик маҳсулотларини ўзи мустақил равишда аниқлайди. Деҳқон хўжаликлари жами экин майдонининг 10%ни ташкил қилганига қарамай, мамлакатда улар асосий озиқ-овқат маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади

Гўшт ва сут, тухум, мева ва сабзавот маҳсулотларини ҳам ҳисобга олган ҳолда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 70%и деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилади. Республикада деҳқон хўжаликлари сони муттасил ошиб бормоқда. Ҳозирда уларнинг сони 4,7 млн.дан ошиқ.[1]

**Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари бўйича суғориладиган ерлар динамикаси
(2007-2019 й.й.) минг га.[5]**

Вилоятлар	2007й.	2012й.	2019й.	2019й. 2007й.га нисбатан, %да
Қорақалпоғистон	419,2	423,6	416,2	99,3
Республикаси	199,2	203,8	201,1	100,4
Андижон	200,2	200,6	200,9	100,3
Бухоро	261,7	263,9	260,3	99,4
Жиззах	422,1	421,8	418,4	99,1
Қашқадарё	89,2	91,0	91,0	101,5
Навоий	200,2	197,9	191,1	95,5
Наманган	255,4	253,4	248,1	97,1
Самарқанд	242,0	241,6	239,3	98,4
Сурхондарё	255,9	250,9	248,3	97
Сирдарё	394,1	303,6	297,5	97,8
Тошкент	249,3	249,2	247,1	99,1
Фарғона	209,0	205,4	204,7	97,9
Хоразм	0,5	0,3	0,4	0,8
Тошкент ш.				
Республика бўйича	3308,5	3307,3	3265,6	98,7

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2007-2019 йиллар давомида республикада суғориладиган экин майдонлари 1,3%, шу жумладан, Наманган вилоятида-4,5%, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида мос равишда 3,0 ва 2,9 % қисқарган. Андижон, Бухоро ва Навоий вилоятларида эса мос ҳолда 0,4; 0,3 га 5% кўпайган. Лекин, кейинги йилларда ерлардан нораціонал фойданилганлик оқибатида Республикада 300 минг гектарга яқин, Сурхондарё вилоятида 1,5 минг гектар суғориладиган ер майдони оборотдан чиққан. Мирзачўл, Фарғона, Зарафшон, Жанубий ва Қуйи Амударё иқтисодий районларга бўлинган.

2-жадвал**Ўзбекистон Республикаси иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудий таркиби, %да
(иқтисодий районлар бўйича, ўртача 2010-2019 йй.) [6]**

Кўрсаткичлар	майдон	Ялпи ички маҳсулот	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Ташқи савдо айланмаси
Ўзбекистон Республикаси	100%	100%	100%	100%
Шу жумладан:				
Тошкент иқтисодий райони:	3,5	24,3	12,8	44,8
-Тошкент вилояти	3,4	9,8	12,8	11,3
-Тошкент ш.	0,1	14,7	0,0	33,5



Мирзачўл иқтисодий райони:	8,1	4,1	8,9	3,1
-Жиззах вилояти	4,7	2,2	5,0	1,0
-Сирдарё вилояти	1,0	1,9	3,9	1,1
Фарғона иқтисодий райони:	4,1	17,5	26,1	14,4
-Андижон вилояти	1,0	6,6	9,9	10,0
-Наманган вилояти	1,7	4,2	9,9	0,9
-Фарғона вилояти	1,4	6,7	8,1	3,5
Зарафшон иқтисодий райони:	37,4	17,1	26,7	10,1
-Бухоро вилояти	9,0	5,5	9,9	1,4
-Навоий вилояти	24,7	5,4	4,7	3,7
-Самарқанд вилояти	1,7	6,2	12,1	3,0
Жанубий иқтисодий райони:	10,9	11,5	17,7	3,8
-Сурхондарё вилояти	4,51	4,1	8,9	1,3
-Қашқадарё вилояти	6,4	7,4	8,5	3,5
Куйи Амударё иқтисодий райони:	38,4	5,6	9,0	1,7
-Қорақалпоғистон Республикаси	37,1	2,5	3,0	0,8
-Хоразм вилояти	1,3	3,1	5,0	0,9

2-жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотини яратишда Тошкент иқтисодий райони энг катта ҳисса қўшмоқда (24,3%); энг кичик ҳисса эса Куйи Амударё иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келмоқда(5,6%).

Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича Зарафшон иқтисодий районининг ҳиссаси энг катта бўлиб-26,7% ни ташкил этган бўлса, энг кичик ҳисса Мирзачўл иқтисодий райониغا тўғри келмоқда-8,9%. Ташки савдо айланмасида энг катта ҳисса-44,8% Тошкент иқтисодий райониغا тўғри келмоқда, Амударё иқтисодий райони ҳиссаси-1,7% бўлиб бу соҳада энг кичик кўрсаткични ташкил этмоқда. Бу



рақамлар шундан далолат берадики, бошқа тармоқлар билан бир қаторда республика иқтисодий районлари бўйича қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш бўйича имкониятлар салоҳияти ерларнинг ўлчами, сифати, унумдорлиги ва сув билан таъминланиш даражаларига мослиги бўйича мутаносиб келмайди. Ҳар бир иқтисодий район суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш бўйича алоҳида ўзига хос ёндошишни талаб қилади.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг ер фондидан фойдаланиш динамикаси, минг га ҳисобида (2005-2019й.й.) [8]

Кўрсаткичлар	2010й.	2016й.	2017й.	2019й.	2019 й.2010й.га нисбатан ўзгариши,%.
Жами суғориладиган ерлар	4311,6	4315,7	4313,1	4312,4	100,01
Экин экиладиган майдон	4071,2	4071,2	4071,0	4064,7	99,84
Қишлоқ хўжалигида фойдаланилган суғориладиган ерлар	3734,9	3734,9	3739,1	3738,8	100,1
Суғориладиган экин майдон	3313,9	3313,9	013,1	3307,3	99,8

3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2010-2019 йиллар давомида республикада умумий суғориладиган майдон, шу жумладан қишлоқ хўжалиги аҳолиятидаги суғориладиган ва экин экиладиган майдонлар деярли ўзгармаган. Шу билан бир вақтда бу давр ичида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган яйлов ва суғорма майдонлар мос ҳолда 45 и 7% қисқарган. Бу ҳолат бир томондан аҳолининг ўсиши (2010-2019 йиллар ичида республика аҳолиси 27,538 дан 31,496 млн. кишигача ўсган) билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминланишининг етарли эмаслиги билан боғлиқ.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган яйлов ва суғорма экин майдонларнинг ўзгариши, га/киши, (ўртача 2010-2019й.й.).[8]

Кўрсаткичлар	2010й.	2016й.	2017й.	2019й.	2019й. 2015 йилга нисбатан, ўзгариши,%.
Суғориладиган яйловлар	0,2	0,118	0,115	0,11	55
Суғорма экин майдони	0,15	0,15	0,145	0,14	93

Бал-бонитет билан аниқланадиган тупроқ унумдорлиги ернинг сифат кўрсаткичини аниқлайдиган асосий омилдир. Ҳозирги кунда тупроқларнинг шўрланиши, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, шамол ва ирригация эрозияси таъсирида республиканинг суғориладиган ерларида ўртача ер бонитети анча паст, яъни 55 бални ташкил этади. Жами суғориладиган қишлоқ хўжалиги



экинзорларининг 50,36%и тупроқ сифати бўйича ўртача бал бонитети 41-60 бал бўлган ерларга киради. Бундай ерлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида тарқалган. Суғориладиган ерларнинг 26,09 % ни балл бонитети 61-80 бўлган суғориладиган ерлар ташкил қилади. Бундай ерлар асосан Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг эски суғориш зоналарида жойлашган. 2008-2019 йиллар давомида турли хил сифатга эга бўлган ер майдонларида ўзгариш юз берди. Умуман ҳозирги пайтда республика ерларининг бал-бонитети 2008 йилга нисбатан 1-2 балга ошди. Хусусан, ўртачадан паст бўлган, яъни бал бонитети 20-40 бўлган ерлар 1,9% га қисқарди, сифати бўйича ўртача бўлган ерлар 1,6% ва балл бонитети 60-70 бўлган ерлар эса 0,49% кўпайди. Кейинги йилларда республикада чўлланиш, ўрмонзорларнинг камайиб кетиши, сув тошқини, шамол ва ирригация эрозиялари, тупроқ унумдорлигининг камайиши таъсирида ерларнинг оборотдан чиқиб кетиш (деградацияси) муаммоси хавотирни кучайтирмоқда.[8]

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мамлакат чўл зонасининг 56,2% и шамол эрозиясига учраган, 43,8% суғориладиган ерлар зарарланган, шундан 31,5%и кучсиз, 6,8% и ўртача ва 5,5%и кучли зарарланган. Бундай жараёнлар Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида интенсив равишда кузатишмоқда. 2019 йилда турли хил даражада шўрланган ер майдонлари республикада умумий суғориладиган ерларнинг 50,3% ни ташкил этиб 2154,7 минг гектарга етган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Жиззах ва Фарғона вилоятлари ерларида энг кўп шўрланиш кузатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 ноябрдаги “Ерларнинг мелиоратив тизимини тубдан такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ -3932-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг давлат дастури тўғрисида”ги № ХҚ-817 сонли Қарорини амалга ошириш натижасида ерлар шўрланишининг камайиш тенденцияси кузатила бошлади. [7] Хусусан, 2019 йили шўрланган ерлар майдони 49% гача, шу жумладан, кам шўрланган майдон-31,6% (1380,2 минг га), ўртача шўрланган-14,5% (629,5 минг га), кучли шўрланган майдон эса 2,9% (124,1 минг га) камайди.

2017 йилдан бошлаб ер ресурсларини бошқаришда асосий эътибор пахта ва буғдойдан ишлаб чиқаришни диверсификациялашга қаратила бошланди. Агар ўтган асрнинг 90 йилларида экин майдонлари тизимида пахтанинг ўрни 50% бўлган бўлса, ҳозирга пайтда у 30% гача камайди.

Маълумки, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг учта асосий тоифаси мавжуд: фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар.

Пахта ва бошқа кўп сув талаб қиладиган экинлардан бўшаган ерларга кам намлик талаб қиладиган озиқ-овқат экинлари, яъни, мева ва сабзавот, полиз ва узумзорлар, картошка, ем-хашак ва бошқа экинлар экилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг яна бир энг муҳим муаммоларидан бири-суғориладиган ерларни сув ресурслари билан таъминлаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Мустақиллик йилларида, мамлакатда иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида сув ресурсларини бошқариш тизими сезиларли даражада такомиллашди. Хусусан, Қарор қабул қилиш жараёنларига сув истеъмолчиларини жалб қилиш мақсадида давлат ваколатларининг маълум бир қисmini жамоат ташкилотларига бериш асосида Сув истеъмолчилари уюшмалари (дастлаб Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари деб аталган) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд сув хўжалиги тизими сув олиш иншоотлари билан жиҳозланган 250 та суғориш тизимидан ташкил топган. Суғориш тармоқлари узунлиги 182,8 минг км бўлиб унинг 26,1 минг километри хўжаликлараро каналлар ҳисобланади. Коллектор-дренаж тармоқларининг узунлиги 138,8 минг км, шундан 138,8 км ёпиқ-ётиқ дренаж ҳисобланади. Республикада 5047 агрегат ўрнатилган 1602 насос станцияси, 3366 тик дренаж қудуғи, умумий



сигими 17,8 миллиард м³ бўлган 50 дан ортиқ сув омбори мавжуд. Сув хўжалиги йўллар, алоқа ва электр узатиш линиясидан иборат ривожланган инфратузулмаларга эга.

Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) ва фермерлар ўртасида муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда СИУ сони 2000 мингдан ошиб кетган. Насос станциялари негизида ривожланиб бораётган машинали суғориш тизими Республикада сув таъминотини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда машинали суғориш асосан Хамзин, Куямозорсой, Шеробод, Аму-Бухоро, Жиззах, Карши кабиулкан насос станцияларининг қурилиши балан ривожланиб бормоқда.

2013-2019 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича давлат Дастурини бажарилиши давомида мамлакатда 5443 км коллектор-дренаж тармоқлари, 751 тик дренаж кудуқлари қурилди ва 72,2 минг км коллектор-дренаж тармоқлари, 2907 тик дренаж кудуқлари, 75 мелиорация насос станциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ҳисобидан таъмирлаб чиқилди ва тикланди, реконструкция қилинди. Шунингдек, 1745 км ирригация тизими, 388 км лотокли суғориш тармоқлари, гидротехник иншоотлар, умумий сув сарфи 49,6 м³/сек бўлган насос станциялари Марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан қурилди ва реконструкция қилинди. Натижада мамлакатда кучли ва ўртача шўрланган ерлар майдони 149,4 минг га, сизот сувлари яқин жойлашган (ер сиртидан 2 метргача) майдонлар 302,9 минг гектаргача камайди. 897 минг га ерларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши туфайли 1,3 млн. гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди.[2]

2017 йилнинг ноябрида қабул қилинган Республикада 2018-2019 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича давлат Дастурига кўра: 4487 км ирригация тизимлари каналларини, 5250 км суғориш тармоғини, 3626 гидротехник иншоотлар, 495 насос станциялар ва 1500 тик дренаж кудуқларини, шунингдек, 7700 км коллектор-дренаж тармоқлари, 13 та мелиоратив насос станциялари ва 185 тик дренаж кудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш талаб этилиши ва 167 минг га суғориладиган ерларнинг сув таъминоти жуда ҳам пастлиги 1957 минг га суғориладиган ерлар турли хил даражада шўрланганлиги, шундан 542 минг гектари-ўрта, 99 минг гектари эса кучли шўрланганлиги қайд этилди.[3]

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжали вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжаликлари вазирликларининг ташкил этилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Мазкур ўзгаришлар замонавий мелиорация турларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва фермер ва СИУ га ёрдам бериш мақсадида туман ҳокимиятларида ирригация бўлимларини ташкил этиш имкониятини беради.

Районлаштириш белгиларига қараб республика ҳудуди учта иқлим зоналарига бўлинган. Буларга жанубий Сурхондарё (Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари); марказий-Фарғона (Фарғона водийси, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари) ва шимолий (Хоразм вилояти ва Тошкент вилоятлари) иқлим зоналари киради. Шунингдек, тупроқнинг тури, гуруҳи ва сизот сувининг чуқурлигига қараб мамлакат ҳудуди тўққизта гидромодуль районларига бўлинади. Пахтанинг суғориш меъёри гидромодуль зонасига боғлиқ равишда шимолий зонада ўртача 3900 дан 6200 м³/га гача, марказий зонада 4500 дан 7200 м³/гагача, Жанубий зонада 5500 дан 10000 м³/га гача тебраниб туради. Айрим ҳолларда кумли ва кумоқ ерларда суғориш меъёри 11-13 м³/га атрофида бўлади. [4]

Шуни назарда тутиш лозимки, бирлик экин майдонга бўлган сув сарфи турли хил омиллар таъсирида шаклланади. Гидромодуль районлашувига кўра аниқлаган суғориш меъёрлари сувдан фойдаланишни баҳолашнинг ўзига хос мезони ва тўлов асосида сувдан фойдаланишнинг муҳим бошланиш нуқтаси бўлади. Сув ресурсларидан фойдаланиш илмий-тадқиқотинститути маълумотларига кўра мамлакатимизда 2019 йили бир гектар ерга (дастлаб сув олинган нуқтадан ҳисоблаганда) тўғри келган жами 17,0 минг м³/гасувнинг суғориш тармоқларида бир гектар суғориладиган майдонга нисбатан 5,1м³/га қисми, бевосита бирлик экин майдонида эса 3,5 м³/га



қисми ёки мос ҳолда 36,8 ва 28,5% и йўқотилмоқда.[8] Бу сув йўқотишини суғориш тизимдан фойдаланиш коэффициентини кўпайтириш билан камайитириш мумкин. Бу эса сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг бош имкониятидир.

Юқорида баён қилинганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, суғориладиган ерлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича республикамизда амалга ошириладиган тадбирлар ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланан стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-5853-сонли Фармони.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6024-сонли Фармони, www.Lex.uz.docs.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг .2017йил 27 ноябрдаги ” 2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ги №ПҚ-3405 сонли Қарори .www.Lex.uz.docs.
- 4.Ирригация Узбекистана.Т.4. Технический прогресс в ирригации.-Т.:1981.-448 с.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. Статистик тўплам.-Т.: Давлат татистика қўмитаси. 2000-2020 йй
- 6.www.stat.uz
- 7.www.lex.uz
- 8.Халқаро сув ресурслари бошқармаси маълумотлари. www.dwmior.org/contalasia.